



IMPROVING THE PRACTICE OF ACCOUNTING FOR BUDGETARY AND NON-BUDGETARY FUNDS IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Toyinov Botir Ismatovich

Independent researcher (PhD) of Tashkent State University of Economics,
sherzod.murodov@eriell.com

Abstract. This article examines the issues of improving the practice of accounting for budgetary and non-budgetary funds in higher education institutions. Scientific proposals and practical recommendations were developed as a result of research.

Key words: budget funds, payment-contract funds, estimated costs, financial report, synthetic schedules, subschetes, analytical schedules, accounting balance.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒЛАР БҮЙИЧА ҲИСОБ ЮРИТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тўйинов Ботир Ислатович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустакил изланувчиси,

Аннотация. Мазкур мақолада олий таълим муассасаларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича ҳисоб юритиш амалиётини такомиллаштириш масалалари тадқик этилган. Изланишлар натижасида илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бюджет маблағлари, тўлов-контракт маблағлари, смета харажатлари, молиявий ҳисобот, синтетик счетлар, субсчетлар, аналитик счетлар, бухгалтерия баланси.

Ҳозирги пайтда молиялашни бюджетдан ташқари қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таълим муассасаларининг фаолияти тобора тижорат тавсифига эга бўлмоқда. Тижорат фаолиятининг асосий мақсади ҳамон таълим муассасасини интеллектуал, таълимиy, илмиy, маданий ва ишлаб чиқариш имкониятини сақлаш ва ривожлантириш мақсадида молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда. Демак, таълимни бошланғич тижорат билан уйғунлашиши самарали шаклларини топиш жиддий вазифа бўлиб қолмоқда.

Давлат таълим дастурлари ва стандартлари доирасида таълим хизмати кўрсатиши, биринчи галда таълим муассасасига тўлов асосида қабул қилиш, мулкнинг турли шаклидаги корхона, ташкилотлар ва муассасалар билан шартнома асосида мутахассислар тайёлаш олий таълим муассасига молиявий тушумлар келадиган муҳим манбалардан бири ҳисобланади [1].

Олий таълим муассасалари (бакалавриат, магистратура)га ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида талабалар ва ўқувчилар қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва фармойиши билан белгиланган тўлов-контракт асосида қабул қвоталари доирасида Давлат комиссияси томонидан амалга оширилади [2].



Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг абитуриентларни тўлов-контракт асосида талабаликка (магистрантликка, ўқувчиликка) тавсия этиш тўғрисидаги қарори эълон қилингандан сўнг таълим муассасаси, буюртмачи (юридик шахс) билан абитетурент ўртасида контракт (уч томонлама) расмийлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишига кирувчи жисмоний шахслар ўқишига қабул қилувчи таълим муассасаси билан контракт (икки томонлама) тузадилар.

Тузиладиган контрактларда томонларнинг мажбуриятлари ва зарур бўлган қўшимча шартлар келишиб олинади [2].

Ўқиш учун ҳақ тўлаш микдори Молия вазирлиги ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларига эга бўлган тегишли вазирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир ўкув йилида таълим муассасалари ўқитишининг тўлов-контракт шакли бўйича тушадиган бюджетдан ташқари маблағлар бўйича календарь йил учун тушумлар ва чиқимлар сметалари ишлаб чиқади ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга тасдиқлаш учун тақдим этади [2].

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 06/03-16-/21-сон хатига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон буйргути билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlар режаси»ни (рўйхат раками 3078, 20 октябрь 2018 йил) 2023 йилнинг 1 январидан УзАСБО дастурий мажмуасига жорий этилди [3].

2023 йилнинг 1 январидан бошлаб бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ҳисботларини тузиш ҳамда тақдим этиш бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlар режаси» ва бошқа норматив-хукуқий хужжатлар бўйича УзАСБО дастурий мажмуасининг янгиланган версияси асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июндаги 45-сон “Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БХС) «Ягона счёtlар режаси»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйргутига биноан ушбу бюджет ҳисоби стандартининг амал қилиш доираси ғазначилик хизмати бўлинмалари, иқтисодиёт ва молия органлари, давлат ва бошқа мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, барча бюджет ташкилотларига фаолиятини қамраб олиши белгилаб қўйилди. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ бир неча моддалардаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «ийғимлар» деган сўз билан алмаштирилди [4].

Тўлов-контракт маблағлари бўйича сметаларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ташкилотларнинг харажатлар сметаси учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатдан ўтган “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўtkазиш тартиби тўғрисидаги Низом”да белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тўлов-контракт маблағлари бўйича сметада тўлов-контракт маблағлар тушумларининг ҳажми ва ушбу маблағлардан фойдаланиш йўналишлари қонунчилик талабларидан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Тўлов-контракт маблағлар бўйича сметаларнинг даромад қисмига тўлов-контракт маблағларнинг шаклланиш манбалари бўйича кутилаётган маблағлар тушуми ва молия иилининг бошига маблағлар қолдиғи киритилади



Тўлов-контракт асосида кадрлар тайёрлаш учун тушган маблағлар таълим муассасаси тушумига киритилади.

Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт шакли бўйича тушумлари талабаларга сарфланадиган жорий харажатларга, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, ўқув жараёнини воситалар билан таъминлашга, жихозлар ва юмшоқ инвентарларни сотиб олишга, кутубхона фондини тўлдиришга, "Маънавий-маърифат" тадбирлари, "Универсиада" оммавий спорт тадбирлари, "Ниҳол" ижодий фестиваллари ва бошқа тадбирлар ўtkазишга йўналтирилади.

Бунда, меҳнатга ҳақ тўлаш ва уни рағбатлантиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми тушумлар умумий ҳажмининг 30 фойизидан ошиб кетмаслиги керак [2].

Ушбу харажатларни тўлов-контракт маблағларининг сметасининг харажатлар қисмida жами даромаддан ошмаган ҳолда режалаштириш, чораклар, ойлар кесимида амалга оширилади. Режалаштирилган харажатларнинг ҳар бирига ҳисоб-китоб илова қилинади. Шу билан бир қаторда қонунчиликка мувофиқ, тўлов-контракт маблағлари бўйича сметалар ҳисобидан ходимлар бирликлари сақланган ҳолларда, сметага худди бюджет маблағлари бўйича тузиладиган штатлар жадвалида кўрсатилган тартибда тузилган штатлар жадвали илова қилинади. Бунда, рўйхатдан ўtkазиладиган тўлов-контракт маблағлар бўйича смета билан бирга штатлар жадвали ҳам рўйхатдан ўtkазиш учун тақдим қилинади.

Олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт маблағлари бўйича тузилган штатлар жадвалида маъмурий-бошқарув, маъмурий-хўжалик, ўқув-ёрдамчи ва бошқа ходимлар қуйидаги бўлим ходимлари орасидан бюджетдан меҳнат ҳақи ҳисобланмайдиганлари ҳисобга олинади:

- Ректорат;
- Ўқув-услубий бошқарма;
- Факультет;
- "Маркетинг" бўлими;
- "Илмий тадқиқот ва илмий-педагок кадрлар тайёрлаш" бўлими;
- Бухгалтерия;
- Ахборот технологиялари маркази;
- Кутубхона;
- Тахририй-нашиёт бўлими;
- Девонхона и архив;
- Ўқитишнинг техник воситалари бўлими;
- Фуқаро мудофааси ва меҳнат муҳофазаси бўлими;
- Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими;
- Ўқув-ёрдамчи ходимлар;
- Халқаро бўлим;
- Магистратура бўлими;
- Иккинчи бўлим.

Штатлар жадвалида, шунингдек якун бўйича алоҳида қаторда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси ва йил бўйича ҳисоб-китоблар натижасида устамалар тўлашга, қўшимчалар ва ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган маблағлар кўрсатилади.



Олий таълим муассасаси тўлов-контракт маблағлари бўйича штатлар жадвалини тузишда контракт маблағлари ҳисобидан иш ҳақи оладиган кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, асистент, ўқитувчи-стажёрларгага мос равища илмий даражасига мувофиқ меҳнат ҳақи белгиланади. Ушбу меҳнат ҳақи меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари микдорларидан келиб чиккан ҳолда ҳисобланади. Таълим муассасалари йилнинг ҳар чораги учун, чоракдан кейинги ойнинг биринчи ўн кунлигида, ўзлари бўйсунадиган вазирликлар ва идораларга тўлов-контракт асосида тушган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар сметасининг бажарилиши ҳақида белгиланган тартибда ҳисбот тақдим этадилар [2].

Тўлов-шартнома ўқув шаклда мутахассислар тайёрлаш маблағлари тўғрисидаги ҳисботда ўқишига қабул қилиш муддатлари бўйича режалаштирилган даромадлар ва харажатлар суммаси ҳамда уларнинг ижросига доир маълумотлар келтирилади [5].

Проф.Хамдамов Б.К. муаммонинг ечимиға муносабат билдириб шундай ёзади: “Давлат бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири бюджет ташкилотларида ривожлантириш жамғармаси маблағларидан фойдаланишини мувофиқлаштиришдир”. Унинг фикрича, бюджетдан ташкари маблағлар ҳисобидан ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳисбини такомиллаштириш бўйича таклифлар бериш лозим [6].

Таълим соҳасида давлат мулки, хусусий ва давлат-шерикчилик муносабатлари ривожланаётган бир шароитида рақобат кураши харажатлар ва даромадларнинг самарадорлиги билан бир қаторда муассаса мулки(капитали)идан самараали фойдаланишга ҳам бевосита боғлиқ ҳисобланади. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ташкилот рентабеллигини аниқлашда капиталнинг айланиши ва даромадлилиги қўрсаткичлари асос қилиб олинади [7].

1-жадвал

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисбини юритиш бўйича амалдаги Йўриқномада хусусий капитални акс эттириш бўйича таклиф этилаётган қўшимчалар [8]



IV БОБ. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР			
§ 1. Реализация ва харажатлар			
Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	20	Махсулот (иш, хизмат)лар реализацияси	20 0
		Асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси	20 1
Бошқа харажатлар	21	Тақсимланадиган харажатлар	21 0
		Давр харажатлари	21 1
§ 2. Жорий йилга молиявий натижалар			
Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	23	Бюджет маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	23 0
		Бюджет маблағлари бўйича хақиқий харажатлар	23 1
		Бюджетдан молиялаштириш	23 2
Тўловларнинг махсус турларига доир щисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	24	Тўловларнинг махсус турларига доир щисоб-китоблар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	24 0
		Тўловларнинг махсус турларига доир щисоб-китоблар бўйича маблағлар щисобига амалга оширилган хақиқий харажатлар	24 1
		Таълим муассасаларида щисобланган ота-оналарнинг маблағлари	24 2
Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	25	Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	25 0
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шаклидан тушган тушумлар щисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар	25 1
		Таълим муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт маблағлари бўйича даромадлар	25 2
Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича	26	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича жорий йилга молиявий натижалар	26 0
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари щисобидан амалга оширилган хақиқий харажатлар	26 1



жорий молиявий натижалар	йилга	Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича даромадлар	26 2
Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	27	Бошқа даромадлар бўйича жорий йилга молиявий натижалар	27 0
		Бошқа даромадлар бўйича хақиқий харажатлар	27 1
		Бошқа бюджетдан ташқари даромадлар	27 2
		Инвентаризатсия натижасида ортиқча чиққан мол- мулклар	27 3

§ 3. Якуний молиявий натижалар

Якуний молиявий натижалар	28	Бюджет маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	28 0
		Тўловларнинг маҳсус турларига доир ҳисоб-китоблар бўйича якуний молиявий натижа	28 1
		Таълим муассасаларида ўқитишнинг тўлов-контракт маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	28 2
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари бўйича якуний молиявий натижа	28 3
		Бошқа даромадлар бўйича якуний молиявий натижа	28 4
		Бюджетта ва бюджетдан ташқари жамғармаларга хисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар	28 5

§ 4.Хусусий капитал

Хусусий капитал *	29	Устав капитали	29 0
		Резерв капитали	29 1
		Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари	292

*Изоҳ. Хусусий капитал ва унинг субсчетлари муаллиф томонидан тавсия қилинганд.

Манба. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Афсуски, бизнинг амалиётимизда эса ҳали ҳам харажатлар ва тушумга нисбатан самарадорлик (рентабеллик) ҳисоблашга ургу берилмоқда. Бунинг оқибатида бюджет ташкилотига киритилган хорижий ва маҳаллий инвестицияларнинг хуқуқий расмийлаштирилиши талаб даражасида эмаслиги намоён бўлмоқда, уларнинг самарадорлигини ошириш усуслари илмий баҳс-мунозаралар ва тадқиқотлар обьектига айланиб қолмоқда.

Таҳлилларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги шароитда олий таълим тизимидағи бюджет ташкилотининг молиявий маблағлари салмогини солиштирадиган бўлсақ, бюджетдан тушадиган ва нобюджет маблағлари ўртасидаги нисбат муассасаларнинг йўналишига қараб 80/20%, 70/30% ёки 50/50% ташкил этмоқда.



**Бюджет ташкилотининг даромадлар ва харажатлар сметаси ижроси бўйича
бухгалтерия балансининг таклиф этилаётган шакли**

Актив				Пассив			
		Сумма				Сумма	
Бўлим	Моддалар	Хисобот йили бошига	Хисобот йили охирига	Бўлим	Моддалар	Хисобот йили бошига	Хисобот йили охирига
I	Номоли-явий активлар	662 187 788,7	857 518 563,7	I	Хусусий капитал: * – Устав капитали – Резерв капитали – Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғар-маси маблағлари	-	-
II	Молиявий активлар	339 174 085,9	619 756 801,0	II	Узоқ муддатли мажбуриятлар (кредиторлар) Кисқа муддатли мажбуриятлар (кредиторлар) **	49 431 460,8	82 353 324,7
III	Дебиторлар	68 242 049,3	353 904 138,9	III	Молиявий натижалар	1 020 172 464,1	1 748 826 178,9
	Баланс	1 069 603 924,6	1 831 179 503,6		Баланс	1 069 603 924,6	1 831 179 503,6
				<p>*Изоҳ: Хусусий капитал бўйича маълумотлар мавжуд эмас. **Баланс маълумотларида кредиторлик қарзлари узоқ ва қисқа муддатлига ажратилмаган</p>			

Манба. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, бундай ҳолат айрим олий ўқув юртларининг хуқуқий мақомини ўзгартиришни талаб этади, бунинг бир нечта сабаблари мавжуд:

биринчидан, олий таълим муассасасининг ҳозирги хуқуқий мақоми давлат олий ўқув юрти статусига эга бўлган шароитда уларнинг юритаётган молиявий-хўжалик фаолияти аралаш мулкчилик эканлиги (шуни қайд этиш лозимки, давлат мулки таркибида хусусий мулк хиссасининг мунтазам ошиб бориши тенденцияси) кузатилмоқда;

иккинчидан, олий таълим муассасалари фаолият юритишининг қонуний асоси хисобланган Устави мавжуд бўлишига қарамасдан, бироқ уларнинг хусусий капитали ва Устав



капитали шакллантирилмаган, бухгалтерия ҳисобида, хусусан улар бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб регистрларида ва счёtlар режаларида юритилмайди, молиявий ҳисботларда акс эттирилмайди;

учинчидан, бюджет ташкилотларининг ҳисоб регистрлари мулкдан самарали фойдаланиш мақсадида даромадлар ва харажатлар ўртасида чизиқли боғлиқликни тизимли таҳлил қилиш учун мослаштирилмаган;

тўртингчидан, бюджет ташкилотлари молиявий ҳисботларида, хусусан, бухгалтерия баланси ва счетлар режасида устав капитали, резерв капитали акс эттирилмаган ва ҳ.к.

Юқоридаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида тадқиқот ишида муаллиф томонидан иккита таклиф киритилди. Шулардан биринчиси, бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича амалдаги Йўриқномага [8] ўзгартаришлар киритиш зарур деб ҳисблаймиз. Бунинг учун бюджет ташкилотларини амалдаги счетлар режасининг III бўлимига қўшимча равища 4-параграфни киритиш зарур ва уни "Хусусий капитал"-деб номлаш иқтисодий жихатдан асосланган бўлади (2-жадвал).

Мазкур таклиф этилаётган баланс шаклининг амалдаги бюджет ташкилоти балансидан фарқли жихати шундаки, аввало баланснинг актив ва пассив қисмлари рақамланишида тенглик сақланади ва учтадан бўлимдан иборат қилиб тузилганлиги МДҲ ва Европа стандартларига мос келади. Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари битта горизонал текислик ва параллел чизиқда жойлашганлиги муҳим ҳисбланиб, бу билан баланснинг киёсланувчанлигини таъминланади. Энг муҳими илк бора бюджет ташкилоти балансида ташкилотнинг мулки капиталнинг турлари ва манбалари кесимида туркумланиб, акс эттирилади.

3-жадвал

Балансга 1-илова

Балансдан ташқари счетларда ҳисобга олинадиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома

Балансдан ташқари счёtlар		Сатр коди	Йил бошига	Йил охирiga
Кўrsatkiчлар				
Ижарага олинган асосий воситалар (01)		380		
Масъул сақлашга олинган товар-моддий қимматликлар (02)		381	317 163,9	35 915,2
Қатъий ҳисбот бланклари (04)		382	24 800,2	53 409,8
Тўловга лаёқати бўлмаган дебиторларнинг ҳисобдан чиқарилган қарзлари (05)		383		
Марказлаштирилган таъминот бўйича тўланган моддий қийматликлар (06)		384	726,0	116 866,5
Ўқувчилар ва талабаларнинг қайтарилмаган моддий қийматликлар бўйича қарзлари (07)		385		
Кўчма спорт совринлари ва кубоклари (08)		386		
Тўланмаган йўлланмалар (09)		387		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (10)		388	22 147 888,3	27 508 404,9
Ҳарбий техникаларнинг ўкув предметлари (11)		389		



Эскирганларининг ўрнига берилган транспорт воситаларининг эҳтиёти қисмлари (12)	390	35 354,6	36 544,6
--	-----	----------	----------

Манба. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Шунингдек, олий таълимда фаолият юритаётган бюджет ташкилотлари балансида балансдан ташқари счетлар маълумотларини акс эттириш баланснинг иқтисодий моҳиятига мос келмайди – деб ҳисоблаймиз, бунинг сабаби, балансдан ташқари счетларнинг ахборотлари баланснинг мажбурий таркибий қисми сифатида унинг ўзида қайд этилганлигини кўришимиз мумкин. Ваҳоланки, мазкур маълумотлар бухгалтерия ҳисоби счетларининг ўзаро боғланиши (счетлар корреспонденцияси) натижасида шакллантирилмаган.

Фикримизча, мазкур камчиликни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг амалдаги бухгалтерия балансининг V боби “Балансдан ташқари счетлар” бўлими номини “Балансдан ташқари счёtlарда ҳисобга олинадиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома” – деб номлашни ва уни балансга илова шаклида киритишни таклиф этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. М.Х.Саидов. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.:”Молия” – 2002 й. 42 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2012 йил 28 декабрдаги 508-сон буйруғига “Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг тўлов-контракт шакли ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш тартиби тўғрисидаги”ги илова. (Адлия вазирлигида 2013 йил 26 февралда 2431-сон билан рўйхатга олинган) <https://lex.uz/docs/2137212>

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 29 декабрдаги 06/03-16-/21-сон хатига 1-илова “Янги ва амалдаги счетлар режаси бўйича ўзаро Мувофиқлик жадвали”.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирининг 2023 йил 27 июнданги 45-сон “Ўзбекистон Республикаси Бюджет ҳисобининг стандарти (2-сонли БҲС) «Ягона счёtlар режаси»га ўзгариши ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 14 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат раками 3078-3). <https://lex.uz/ru/docs/6533213>

5. Остонақулов М. Бюджет ҳисоби. Дарслик – Т.:2007 , 127-б

6. Хамдамов Б.К. Халилов Б. Учет фонда развития бюджетной организаций и её проблемы в Республике Узбекистан. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2018 йил. <https://interfinance.uz>

7. Модель Дюпона. формула расчета. 3 модификации. <http://finzz.ru/model-Dyupona-formula-3-modifi -kacii.html>

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги 105-сон буйруғига “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги илова (Адлия вазирлигида 2010 йил 22 декабрда 2169-сон билан рўйхатга олинган). <https://lex.uz/docs/1714689>